

Қишлоқ

ҲАҚИКАТИ

1990 йил 13 октябрь

ШАНБА

№ 234 (5.027).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

ХОРАЗМ ПАХТАКОРЛАРИ, ҲОРМАНГЕЗ!

УЛАР ОҚ ОЛТИН ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК РЕЖАСИНИ ЖУМҲУРИЯТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ БАЖАРДИЛАР

Хоразм вилояти меҳнаткашлари пахта тайёрлаш давлат буюртмасини муддатидан илгари — 12 октябрда — 37 иш кунинда адо этдилар. Марра 1988 йилга нисбатан ҳафта аввал, бутурғига таққослаганда эса бир ой олдин эгалланди. Хирмонга 320 минг тоннадан зиёд оқ олтин топирилди. 108 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан хом ашё йнгиштириб олинди. Ялпи ҳосилнинг 90 фоиздан кўпроги биринчи навга сотилди.

Бу йилги мавсумда Гурлан районини заршунослари байроқдорлик қилдилар. Улар жумҳуриятда биринчи бўлиб зафар қучишганди. Ҳозиргача йиллик режа 106 фоиз уддаланди. Ҳосилдорлик 31 центнерни ташкил этди.

Меҳнат муваффақиятига, шунингдек, Шовот, Урганч, Хонқа, Янгиариқ ва Янгибозор районлари пахтакорлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Айни кунларда вилоятда 44 та жамоа ва 11 та давлат хўжалиги, 633 та бригада мажбурият ҳисобига пахта топишмоқда.

Хонқа районидagi «Хоразм» жамоа хўжалиги (бошқарув раиси Собир Нурматов) деҳқонлари зиммаларидан топириқни 111 фоиз бажаришди. 1438 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарилди. Янгиариқ районидagi Аваз Утар номили, Гурлан районидagi «Правда», Урганч районидagi Карл Маркс номили жамоа хўжаликлариди ба кўрсаткич 31—34 центнерга етди.

Вилоят бўйича тайёрланган оқ олтиннинг 100 минг тоннаси машиналар ёрдамида саранжомланди. Янгибозор райони механизаторлари ана шу соҳадаги режани вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Бу ерда ялпи ҳосилнинг 50 фоиздан зиёди бункерлардан тўкилди.

Пахта йнгим-термини механизациялаш ишига айнқса Янгибозор районидagi Куйбишев номили жамоа хўжалигидан Ҳайитбой Матқаримов, Янгиариқ районидagi Ҷиров номили жамоа хўжалигидан Бойназар Собиров ва Хонқа районидagi ал-Хоразмий номили жамоа хўжалигидан Эркин Каримов сингари суворийлар катта улуш қўшдилар. Уларнинг ҳар бири ҳозирга қадар 211—250 тонна хирмон уйдди.

Вилоят хўжаликлариди йнгим-термининг дастлабки кунлариданоқ кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг кулоч ёйди. Бу ҳол ўз самарасини кўрсатди. Богот районидagi «Ленинизм» жамоа хўжалигидан Жумангул Аминова, Гурлан районидagi Киров номили жамоа хўжалигидан Мална Абдуллаева, Ҳазорасп районидagi Ленин номили жамоа хўжалигидан Анвара Раҳмонова каби юзлаб чеварлар басма-басига меҳнат қилиб, бугунгача 10—13 тоннадан пахта тердилар.

Вилоятнинг барча жамоа ва давлат хўжаликлариди йнгим-терим жадал бормоқда. Пахтакорлар ялпи ҳосилни 350 минг тоннага етказиш иштиқиди суръатга суръат қўшмоқдалар.



Шовот райони пахтакорлари бир неча кундирки, мажбурият ҳисобига оқ олтин топишмоқдалар. Улар ялпи ҳосил салмоғини 40,5 минг тоннага етказишга аҳд

этишган. Теримчилару суворийлар беллашуви тобора қизитмоқдалар. СУРАТЛАРДА: 1. «Колос» давлат хўжалигининг пешқадам дала гвардия-



чилари Б. Жумаев, К. Ҳайитов ва Ю. Матқурбонов. 2. Чкалов номили жамоа хўжалигининг илгор бригада бошлиғи Б. Худойберганава. Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар.

Йнгим-терим ишлариди қатнашиш ҳоҳишини билдирган пенсионерлар Галаба ноҳиясидagi «Коммунизм тоғи» жамоа хўжалиги механизаторларига пахта теримида меҳнат уюмдорлигини оширишга ёрдам бердилар.

— Пенсияга чиқиб пайти келганлига қарамай, уйда қамалмайсан, ишладинг келди, — дейди собиқ бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Қим. — Баҳоли кудрат йнги-тарлар ёрдам берилман.

ҚАРИЯЛАР ҲИММАТИ

Коммунист бригада аъзоларини ширнамо қақирқлар билан эмас, балки амалий ишлари билан қўллаб-қувватлайти. Бу тажриба-лик мутахассис тушлик вақтида пахта териш машиналарининг иш аппаратларини текширади, агар лозим топса созлайди. Механизаторлар тўхтовсиз ишлаш-

моқда, натижада мўлжаллангандан ҳам кўпроқ оқ олтин териб олинмоқда. —Ветеранларимизнинг ёрдами ниҳоятда қадри, — дейди колхоз раиси Р. Пан. — Биз уларни комиссарлар деб қақирамиз. Булар билан, омилкор кишилар. Ҳам яхши маслаҳат беришади, ҳам механизаторларга амалда ёр-

дам кўрсата олишади. Бригадалар иш ҳақида кундалик маълумотларни тарқатиш ҳам уларнинг вазифасига қиради. Одамлар ким олдинда, ким орқанда эканлигини билладилар. Ҳозир пахтазорларда иш қизғин. Ҳосилнинг қамиди 90 фоиз-

ни машиналарда териб олишни мўлжаллашмиз. Биз кунгилли ёрдамчиларимизни терим якунларига қўра албатта моддий жиҳатдан рағбатлантирамиз. Сиссий комиссарлар ноҳиянинг барча хўжаликлариди ишлашмоқда. Ноҳия партия комитети ишни ташкил этишнинг бундай шаклини жорий этишди, ҳам шаббус кўрсатди.

ДЕҲҚОНГА — МЕҲР, ЕРГА — ИХЛОС

Кеча янги келган хат-хабарларни кўздан кечиряётми, бир неча тўй таклифнома-ларига ниғоҳини тушди. Вир-биринди қиройли бу нома-ларни кўлга оларканман, бе-хотиёр кўз олдимдан бундан бир неча йил аввал пахта йнгим-терими пайтида юз берган воқеалар киноде-так ўта бошлади. Ушанда районда ишлардим. Варча идоралар ва муассасалар-нинг эшикларини ёпиб қўйил-ган. Воҳа маркази — Ур-ганда ҳам шундай ҳол. Шахсий машиналар қатнови тўхталган. Тўй ва томоша-ларга рўхсат йў. Каттаю кичик — ҳамма теримга са-фарбар этилган эди.

Қайта қуриш тўғрисида ана шундай дил-хиралликларга, кишилар қалбини алламоқда қилувчи ярамас иллатларга бардам берилиди. Эндиликда барча хоразмликлар, деҳқон ва чорвадорлар эмин-эркин, яйра-йишаб меҳнат қилмоқ-далар. Зафарлар эса тобора кўпаймоқда. Қатрада қўёш акс эттинадек, буни пахта-корлар мисолида ҳам яқин қўриш мумкин.

Пахтакорлик насбни ша-рафда, оқ олтинни ардоқ-лаб фидокорона ишлаётган деҳқонлар бу йил ҳам катта ҳўхнат галабасини кўлга ки-ритдилар. Давлатга пахта сотиш йиллик режаси жум-ҳуриятда биринчи бўлиб ба-жарилиди. Ватан хазинасига 320 минг тонна юқори сифат-ли хом ашё армуғон этилди. Ялпи ҳосилнинг 100 минг тоннаси зангори кемалар ёр-дамида йнгим-териб олинди.

Жорий йил чинакам пахта йил бўлди десак, асло йн-лимизми. Об-ҳавонинг ку-лай келиши, дала меҳнат-кашлари — эрта баҳордан бошлаб ягона мақсад йўлида гайрат кўрсатганликлари тў-ғрисида барча майдонларда мўл ҳосил этиштирилди. Бунда пайкалар деҳқонлар-га бўлиб берилгани муҳим аҳамият касб этди. Бутун Хоразм пахтазорларида 45 мингдан зиёд оилавий зверо-

фаоллик кўрсатмоқда. Шу боисдан ерга муносибат ке-син ўзгаралпти. Натижада ҳосилдорлик ошмоқда. Па-хта этиштириш билан боғлиқ сарф-харажатлар эса мутта-сил қамалётди. Ҳам қувонч-лиси, бундай жамоаларнинг аъзолари заминга ихлос қў-йиб, зиммалариди йиллик режаларини 2—3 ҳисса оши-риб бажаришга эришмоқда-лар. Бунинг эвазига катта даромад олмақдалар.

Пахтачиликка фан тавсия-лари, илгорлар тажрибаси-ни жадал жорий этишда Гурлан, Шовот, Хонқа, Ян-гибозор, Урганч, Ҳазорасп ва Янгиариқ районлари на-муна кўрсатмоқдалар. Пар-тия, совет, хўжалик ташки-лотлари раҳбарлари ва му-тахассисларнинг изланиш-лари ҳамма жойда яхши са-мара бермоқда. Ана шу рай-онларнинг пахтакорлари га-лаба маррасига воҳда би-ринчилар қаторида етиб кел-дилар.

Вилоятда йиллик режа уддалангунча дала-бункер-қабул пункти конвейери бе-рўхтов, беишқал, юксак унум билан ҳаракат қилди. Боси-са —бу йил барча давлат ва жамоа хўжаликлариди маши-на теримига пухта ҳозирлик қўрилди. Асосий майдонлар-даги гўза машинабоп қилиб ўстирилди. Ниҳодларни бар-гизилантириш, ўқариқларни текислаш, техника воситала-рини созлаш, механизатор-ларни тайёрлаш масалалари-га эътибор ҳар қачонидан кўчиди. Йнгим-терим дав-рида 139 та зангори кема ишлатилди. Механизаторлар ўртасида — ташкил этилган беллашувда 3000 нафардан зиёд пўлат от суворийси иш-тирок этди. Айниқса, Янги-ариқ районидagi Киров но-мили жамоа хўжалигидан Бой-назар Собиров, Гурлан рай-онидagi «Коммуна» жамоа хўжалигидан Отахон Камо-лов, Богот районидagi «Бо-гот» давлат хўжалигидан Кўпал Тангриберганаев, Ҳазо-

расп районидagi Фрунзе номили жамоа хўжалигидан Каримбой Ҳасанов сингари дала гвардиячиларининг ҳар бири бункердан 150—180 тоннадан пахта тўкиб, эл-досларни олқини сазовор бўлдилар. Вилоятда ана шундай пешқадам механик-ҳайдовчилар сафи тобора кенгаймоқда.

Бу йил қатор пешқадам хўжаликларда ялпи ҳосил-нинг 75—90 фоиз илг мар-та машиналар ёрдамида йн-гиштириб олинди. Қўпал жамоалар эса йнгим-терим-га четдан бирор кишини жалб этмасдан, давлатга пахта сотиш йиллик режа-ларини қисқа муддатда — 25—30 иш куниди бажар-дилар. Хонқа районидagi ал-Хоразмий номили, Урганч районидagi «Бекобод» дав-лат хўжаликларини, Янгиариқ районидagi Аваз Утар но-мили, Шовот районидagi «Правда», Хонқа районидagi Охунбобоев номили жамоа хўжаликлариди ишчи кучи ва техникадан самарали фой-даланилганлиги тўғрисида юк-сақ натижаларга эришилди.

Биз қувончи кунда ҳа-дол ва фидокорона меҳнати билан обрў-эътибор топан пахта усталарининг номлари-ни ҳурмат-эътибор билан тилга оламиз. Гурлан рай-онидagi Ленин номили жамоа хўжалигидан Рустам Шар-рифбоев, Шовот районидagi Киров номили жамоа хўжали-гидан Енуббой Ҳожиев, Хон-қа районидagi «Хоразм» жа-моа хўжалигидан Сафарбой Ҳамроев, Ҳазорасп райони-дagi Ленин номили давлат хўжалигидан Бектурди Сафа-ров, Янгибозор районидagi «Ленинград» жамоа хўжали-гидан Аҳмад Эшимов, Ур-ганч районидagi Карл Маркс номили жамоа хўжалигидан Юсуф Бобоев ва Қўшқўпир районидagi «Иттифоқ» жа-моа хўжалигидан Султонбой Матқурбонов шулар жумласи-дандир. Улар бошлиқ брига-даларининг аъзолари ер ва сув, техника воситалари

ҳамда бошқа имкониятлар-дан омилкорлик билан фой-даланиб, мўл ва арзон ҳо-сил этиштирилди. Пахта йнгим-терими эса уюшқоқ-лик билан ташкил этилди. Натижада йиллик режа 15—20 иш куниди уддаланди.

Вилоят деҳқончилик-сао-ати уюшмаси ходимлари ана шу илгор хўжаликлар ва бригадаларнинг иш тажриба-сини умумхалқ мулкига ай-лантириш юзасидан тадбир-лар белгилладилар. Ҳозир му-тахассисларимиз уш пахта жамоаларда бўлиб, мўл пахта этиштириш силрларини пухта ўрганиб чиқмоқдалар.

Кези келганда шунни ай-тиш кераки, вилоятда пахта — йнгим-терими ниҳоятда уюшқоқлик билан, жадал суръатда ташкил этилди. Ҳам Ҳазорасп ССР Вазирлар Кенгашининг «1990 йилги пахта ҳосилни ўз вақтида ва сифатли йнгиштириб олишда колхозчилар ва сов-хоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш-га оид тадбирлар тўғриси-да»ги қарори муҳим аҳами-ятга эга бўлди. Ана шу ҳуж-жатта бинаоин машинада са-ранжомланган бир тонна хом ашё учун 10 сўм, қўлда терилган ҳар килограмм па-хта учун 25 тийин ҳақ тў-лавди. Бу ҳол теримчилару суворийларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшди.

Жамоа ва давлат хўжалик-ларининг бошқаруви ҳамда маъмурияти, партия, насаб-а уюшмаси ташкилотлари дала-ларда меҳнат қилаётганлар-га зарур шароит яратиб бе-риш борасида катта фаоли-ят кўрсатдилар. Шийонлар рисоладагидек жиҳозланди. Кўчма дўконлар, янги мав-сумий болалар боғчалари ташкил этилди. Пахтакорлар-га маданий-маиший, тиббий ва савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Таниқли санъаткорлар, халқ дастала-ри қатнашчилари заршуно-ларга намарбаста бўлишди. Илгорлар ўртасидagi мусо-

бақа эса ҳар беш кунда яқунлаиб, голибар қим-матбаҳо буюмлар ва пул мукофотлари билан рағбат-лантириб борилди.

Пахтачи қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари жамоаларни ҳам галабага катта ҳисса қўшдилар. Улар ҳосилни пешма-пеш тарози-дан ўтказиб, тола ишлаб чи-қармоқдалар. Варча хирмон-лар қошида чойхоналар ва ошхоналар ишлаб турибди. Дам олиш хоналари мавжуд. Айни пайтда ишчи ва хиз-матчилар қиш мавсумига пухта ҳозирлик қўришапти. Улар деҳқонларнинг пешона тери эвазига этиштирилган хом ашёни нест-нобуд қил-маслик мақсадиди астойдил ишламоқдалар.

Съездлар йилида нафақат пахтакорлар, балки деҳқон-чилик-саоат мамжуми барча ходимлари кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Бун-нинг самараси кўзга яққол ташланмоқда. Давлатга гўшт, сут ва бошқа ноз-неъ-матлар сотиш ойлк ва квар-тал топириқлари мунтазам бажарилапти. Дала ишлари муваффақиятли олиб борил-моқда. Шоли ўрими жадал давом этмоқда. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари йнги-штириб олиниб, қайта ишла-наптир.

Вилоят чорвадорлари қиш-ловга ҳар томонлама ҳозир-лик қўрилди. Ҳосилдан бў-шган майдонларга кузги экинлар экилмоқда. Иррига-торлар суғориқ шохобчалари тартибга келтириш бил-лан банд.

Гарчи вилоятда йиллик режа уддаланса-да далаларда халқ ҳосил мўл. Аҳдига қатъий, ватдасига вафодор азамат пахтакорларимиз ял-пи хирмон салмоғини 350 минг тоннага етказиш йўли-да далаларда кечую кундуз енг шимариб ишламоқдалар.

Р. МАТРАСУЛОВ, Хоразм вилояти деҳқончи-лик-саоат уюшмасининг раиси.

Таҳририятга хат

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Қолхозимиз ади ва яйловларда очилган кенжа хўжаликлардан ҳи-собланади. Аҳоли сон ва ишчи кучи кам, шароитимиз мураккаб. Сафдошларимиз эса янгиликка ўч. Ҳаёт билан ҳамнафас яшашни истайдилар. Рўзнома ва ойномаларга келгуси йил учун обуна режаси ок-тябрь ойининг дастлабки ўн кунли-гидаёқ районда биринчи бўлиб ўрнлатилганлиги бунинг далили-дир. Хўжалигимиз меҳнаткашлари ҳозиргача 5 минг 200 сўмлик турли хил наشرларга ёзилди.

«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига қизикши айнқса катта. Мен 8 йил-дирки, газетаним доимий ўқувчи-симан. Мунтазам берилаётган «Му-тахассис маслаҳати», пахта, сабза-вот, полиз, галла, чорвачилик соҳа-сининг жонкуярлари ҳақида ёзил-ган очерк ва лавҳалар мени кўпроқ қизиктиради. Шунинг учун ҳам бу йил унга биринчилар қаторида ёзилдим. Хўжалик партия ташки-лотли котиби Сайфиддин Жўраев, ҳисобчи Абдуҳамид Мардонов, аг-

роном Абдуғани Азларов, инженер Норпўлат Болиев, иқтисодчи Бах-тиёр Раҳматов ва бошқалар ҳам мазкур рўзномага обуна бўлишди.

Биз вазиятни ҳисобга олган ҳол-да обуначиларга хўжалик маблағи-дан ёрдам кўрсатишга қарор қил-дик. Уруш ва меҳнат қариялари, қаҳрамон оналарни наشرга хўжа-лик маблағидан ёздирдик. Юсуф Бердимуродов, Абдунаби Раҳмонов, Хомид Отамуродов, Худоёр Бобо-қуллов, Норкул Расулов каби Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, Со-бир Жўраев, Файрат Турсунов, Дўстмурод Тўшбоев каби байнал-мидалчи жангчилар, Саломат Қам-барова, Шарофат Жавлиева каби қаҳрамон оналар ана шу имкони-ятга эга бўлдилар.

Хўжалигимизда обуна қизғин да-вом этмоқда.

Холбозор РАҲМАТОВ, Паст Даргом районидagi «Са-марқанд» давлат хўжалиги ди-ректору.

ҲУРМАТИН БАЖО АЙЛАБ

Қайта қуриш соҳасидagi вазифа-ларни амалга оширишда вақтли матбуотнинг ўз ўрни бор. У орқа-ли муҳим воқеа-ҳодисалардан ха-бардор бўлаемиз, билим ва малака-мизни бойтаемиз. Бозор иқтисоди-ятга ўтишлик муносабати билан рўзнома ва ойномаларнинг нархи ошди.

Хўжалик бошқаруви ҳамда пар-тия комитети шуну ҳисобга олиб, меҳнат кесалари, кўп болали она-лардан 40 нафарини «Қишлоқ ҳақи-қати» рўзномасига бепул обуна қи-лишни лозим топди. Бу уларга қи-

ган ҳурмат-эътибор ифодасидир. Хўжалигимизда пахта йнгим-тери-ми уюшқоқлик билан олиб борила-пти. Ҳар куни 2—3 фоз миқдори-да хом ашё тайёрланапти. Эриши-лаётган меҳнат ютуқларида «Қиш-лоқ ҳақиқати» рўзномасининг ҳис-саси оз эмас. 1991 йилда ҳам у биз учун яқин маслаҳатчи, кўмакдош бўлиб қолади.

А. САМАДОВ, Фарғона районидagi Навоий номили жамоа хўжалиги бош-қаруви раиси.

Ҳар ҳафта шанба сонига



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

АЛДАНГАН ЙЎЛОВЧИЛАР

Афанди эшагини сотиш учун боғорга олиб борибди. Одам тирбанд. Мол оламдан деганининг сон-саногин йўқ. Бир харидор эшак атрофида айлана туриб, бош чайқабди: — Яхши эшагу думсиз экан-да. Аттанг...

— Савдон қилаверинг, — дебди Афанди. — Думи хур-жунда!

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳангома шу латифани ёдга солади. Алдангани бола яхши. Лекин битта қўнғирок билан катталарни ҳам лақиллатса бўларкан. Гап нима ҳақда дейсизми? Мана, эшитинг. Қўнғирокдан бир кунди Андижонга тайёрага Тошкентдан сим қўлиди: — 4 октябрда ТУ-154 тайёраси учиб боради. Патани сотаверинглар!

Буни эшитган андижонлик мутасаддилар гўмиллаб қўлишди. Қараинг, улус гаминаи айдиғанлар ҳам бор экан! Шахрихон, Асака, Марҳамат шаҳарлари, шунингдек, вилоят марказидаги меҳмонхоналарда ноиллашган чипталарнинг эгачи касирларни енг шимариб ишга киришди. Ҳақ-паша дегунча 4 октябр кун маҳаллий вақт бўлиш соат 2.00 да 35004-қўшимча рейс билан учадиган ТУ-154 тайёрасига 160 та билет сотилди. Йў-

ловчиларнинг қувончини айтмайсизми! Ахир, бунақаси камдан-кам бўлади-да.

4 октябр, Тайёрагоҳ гаважум. Соат миллари 1.30 ни кўрсатганда сўнигор орқали эълон янгради: — Диққат, диққат! Андижон — Тошкент йўналиши бўйлаб 35004-рейс билан учадиган тайёранинг ҳаракати икки соатга кечиктирилди.

Ана ҳодис! Қўшди кунда ҳам тайёранинг учиб муда-дати кечиктирилса-й? Йўловчилар асабийлаша бошлашди. Илож қанча? Кутинг керак. Шу орада навабдаги эълон эшиттириди: — Қўшимча рейс яна икки ярим соатга кечиктирилди.

Ҳамманинг тарвузи қўлти-ридан тунди. Айримлар учушдан умид узиб патта-ларини топшира бошлашди. Вақт ўтиб боради, тайёрагоҳ ходимларидан сало чикмасди. Ниҳоят, смена навабчиси Андижонга келиши мўл-жалланган тайёра «техник сабабларга кўра» Оренбург шаҳридан учмаганини маълум қилди. Бу пайт қў-шимча рейсга патта олган 160 нафар йўловчидан 40—45 нафари қолганди. Уларнинг ақсарияти тунни тайёрагоҳнинг ўзида ўтказишга мажбур бўлишди.

МУАЛЛИФ ИЗОҲИ: Бўлган гап шу. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Бир савол қилишга тинчлик бермайди: 160 нафар йўловчини алдан кимга ва нима учун керак бўлдики? Бундай пайтда айбдорни топши қудудан игна элалдек бефойда. Чунки ҳар икки томоннинг асоси «даъвоси» бор: «Биз кўрсатгани бажардик». Эҳтимол шундайдир. Қў-қўрола иш тутишининг оқибати эса маълум. Бунинг жабрини йўловчилар тортишди.

Андижон тайёрагоҳида тартиб-интизом издан чиқди. Бу ерда ишловчи ҳар бир ҳодим — қоровулдан юк ташувчигача истаган пайтда «ҳожат»нингиз чиқариши мумкин. Албатта, қуруқча эмас. Бир мисол. 4 октябр кун шу ерда ишловчи тиббий ҳамшира Фигони фалакка чиққан йўловчилар олдига келиб, ўз «хизмати»ни тақдир қилди: кимки патта устига 15—20 сўм берса,

олдириқ учиб кетиши мумкинлигини ишшияди. Бир неча йўловчи шу тариқа мақсадга эришишга ушбу сатрлар муаллифи гувоҳ.

Одатда патта рўйхатдан ўтказилган бўлмага беғоналар кириши мумкин эмас. Тайёрагоҳ ходимлари учун бу қондинг аҳамияти йўқ. 4—5 октябр кунлари смена навабчиси Андижонга келиши мўл-жалланган тайёра «техник сабабларга кўра» Оренбург шаҳридан учмаганини маълум қилди. Бу пайт қў-шимча рейсга патта олган 160 нафар йўловчидан 40—45 нафари қолганди. Уларнинг ақсарияти тунни тайёрагоҳнинг ўзида ўтказишга мажбур бўлишди.

Х. РУСТАМОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ШИНГИЛ ТАБАССУМ

— У даврларда шанар се-реб бўлган-да. * * *

— Хотин, шу ўғлингдан бошлиқ чиқадиганга ўхшайди-да. * * *

— Қайдан билдингиз? — Қачон қарасанг, бели-ни ушлаб туради. * * *

— Номаяққўчилигим учун кечиринг, дадаси. Билмай қўлдим. * * *

— Нимани айтаялсан? — Таянлаган гапингиз эсимдан чиқиб, меҳмон ол-дида мушугимизни «пишт!» деб қўйибман. * * *

О. ҲАРАОВ.

СЎНГИ НУСХА

МАЙШАТВОЗ

Бўза кичиб бўзлагани-бўзлаган, Елгон-яшиқ сузлагани-сузлаган. Уйда қолиб бола-чақа, хотини, Бошқа ёрни қўзлагани-қўзлаган.

ЮЛАРМОН

Киши ҳақи, дейди, менга ботмайди. Ҳалолликдан лоф уради — қайтмайди. Аммо қулай келса тоғни келириб, Туя ютса, думини кўрсатмайди.

М. АББОС.

ЛОҒЧИЛАР ДАВРАСИДА

кўйиб, муз ембан, денг. Бир маҳал хараотини чунон кутаришдики, асти қўйверасми. Со-чинин қўллаб пешонасига бо-сандим, лав этиб эмб кетди. * * *

Дажгон лоғчи мактанди: — Эрталаб ишга отланиб

турсам, қўшимчи Анор ҳола чиқиб қолди: «Ҳай, Дажгон, учун ўк-бу ёқса қараб кет, болам, зора дайди бузоғим кўриниб қолса, қара ўлғур кечадан бери йўқ». Кўчада бузоқ кў-ринмади. Полкзга кирсам, ёпи-рай, бир қўзғай тарвуз бе-

ширтватардай қайилиб ту-рибди, таласи ўйланг. Санин бориб мўрласам, кинда Анор холанинг бузоғи! Чамаси, тар-вузи тешки кирган-у ниско-май каш қайтариб ётган экан. Ҳамкасби ундан ошди: — Ҳе, бизнинг тарвузларга

бузоқ туғул қўзининг ҳам тиши ўтмайди, ошна. Кеча саккиз тонналик машинага ў-икинта тарвузи босиб, ша-ҳарга олиб тушдим. Йўлда зо-вур кўприги бузилиб ётган экан, Нима қилиш керак! Ҳай-ламга галаги фикр келди. Ҳай-довчи билан кучене-кучене ик-ката кичирок тарвузини па-стага юмалатди. Улар зовур сатҳини эндилад-қолди. Шундай қилиб осонгина ўтиб кетдик.



СИГИР: — Сўраганинг айби йўқ: иккигиз қайитилганим, дўхтр!

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БАШОРАТЧИ БОЧЕВИЧ

Яқин кунларда Японияда кучли энлила бўлади, Болкон-да қишинг қаттиқ келиши, со-вуқ 20 даражагача бўлиши кутимлоқда, Форс кўрғазинда кунрезликининг олдин олиб бўлмайди — Югославиялик ба-шоратчи Небоиша Бочевич Белграддаги Совет маданият уйида бўлиб ўтган жамоатчи-лик билан уршудада яқин ой-лар учун ана шундай башорат қилди.

Белграддан 100 километр шимолдаги Башанд қишлоғида яшовчи бу киши воқеаларни ва одамлар тақдирини башорат қилиш қобилиятига эга. Ана шундай башоратлари билан йил сайин кўпроқ одамларнинг ҳайратга солмоқда. У бир не-ча йилдан бунинг Югославияда чиқадиган «Трече око» журна-лида ўз башоратлари билан қатнашиб келмоқда, уларнинг кўплари содир бўляпти.

Журналистларга Германия ва Руминиядаги воқеалар бо-шанидан бир йил олдин Бер-лин деворининг бузиб ташла-нишини, Руминияда қонли кў-зогол бўлишини айтиб берган эди. Башандаги башоратчи неча-неча тўйларин, орзини кутилган уршувларин, йўқ-па-ган буюмларин топши қўла-рини айтиб берганини, ю-салликка қалинган қариндош-ларга ёрдам берганиниги с-на-баб ўтти қилди.

Совет маданият уйининг одамлар билан лиқ тўла зал-даги уршудада кутта ҳас-са ушлаган бу сербассум, со-ч-лари оқарган киши ҳамма са-волларга жавоб қайтарди. Кел-гуси икки йил ичиде инсоният бошқа олам вакиллари билан уршашинин, СССРдаги сисёс-кекинлик 1991 йилнинг майида сўясуяшини олдиндан айтиб берди. Тез орада дунёда янги ҳавфли касаллик пайдо бўли-шини, бу касаллик қозғ пил орқали тарқалишини таъсуф билан гапирди. Савол берган аёллардан бирига эса урш-увга сиз ишловчи, ошхонада ювақсиз шидиларни қолдириб келибсиз, деб таъна қилди.

МИТТИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ

Кубада ёниги етишмаётган-лиги муносабати билан электр қувватини тежаш билан бир қаторда энергиянинг янги манбаларини излаш ва яратиш ишлари фаол олиб бориламоқ-да. Миллий энергетика комис-сияси вакили Эмир Мадруга-нинг гапларига қараганда, ҳо-зирги вақтда кубаликларнинг 6 мингдан кўпроқ уйи митти электр станцияларда ҳосил қи-лаётган электр энергия бил-ан таъминланмоқда.

Маълумки 180 та кичик электр станция барпо этила-ри, улар асосан дарё бўйла-рида, тоғли районларда ку-рилган бўлиб, уй-жой бинола-рини, касалхоналарни, мактаб-ларни, болалар боғчаларини, саноат қорхоналарини, икти-моний-машиини иншоотларни, шунингдек оилавий врачлар-нинг тиббий маслаҳатхоналари-ни энергия билан таъминла-моқда. Ана шундай станция-лардан 14 таси миллий электр энергия тармоғига уланган бў-либ, ҳар йили 7500 тонна нефтни тежашга имкон бер-моқда.

1983 йилда тузилган миллий энергетика комиссиясининг асосий мақсади кичик электр станциялар барпо этишдан иборат. Ҳозирги вақтда оро-даги вилоятларнинг кўпиде бригадалар ана шундай иш-шоотлар қўриқилишга ишало-моқда. Комиссия ходимлари тур-ли районларда 400 та янги мит-ти электр станция қуриш тў-ғрисидаги тақлифларни тай-ёрлади.

Қўйш энергиясидан фойда-ланиш ёнигини тежаш учун ана бир имкониятдир. Ҳозир Кубада 30 дан ортқ ана шундай иситигч мавжуд. Улар болалар боғчалари ва ясли-ларда, тиббий муассасаларда ўрнатилган.

Обуна қандай борапти? «ЯНГИ ҲАЁТ» РЎЗНОМАСИ

Мухтарам қишлоқ аҳли! Ол-маота шаҳрида ҳафтасига уч марта араб имлосида чиқаёт-ган рўзномани биласизми! Эҳтимол ўқиб борасиз, Балки кўзингиз тушмагандир. Шунинг таъкидламоқчимизки, бу нашр сизга қадимий имлода савод чиқаришда беқияс ёрдам бер-иши мумкин. Унда кунданлик ҳайтимизнинг турли жаҳалари-га оид ахборот қаторида давримизнинг долларб маса-лалари хусусида ҳам фикр юритилади. «Туркий ҳалқлар тарихидан» рубрикиси остида чет элдан атоқли олимлар ва ёзувчиларнинг асарларидан на-муналар бериб борилади.

Араб имлосида савод чиқа-риб, туркийда ўқиб иштиёқи-да бўлганлар учун рўзнома са-ҳифаларида «Дарси мукам-мал» ташкил қилинади. Сиз шарқ шеърининг муомтозла-ри — Хофиз, Саъдий, Навоий, Машраб, Низорий, Залилий ва



Спорт ахбороти

ФУТБОЛ САРАЛАШ БОШЛАДИ

Бўлажак Европа биринчи-лигининг саралаш уршув-лари бошланди. Чунотки, со-вет футболчилари ўзини ол-дан унчинг гуруҳда бир матч бўлиб ўтди. Ослода Норве-гия ва Венгрия терма коман-далари куч синашди. Уршув майдон эгалари-нинг устунлигида ўтди. Меҳ-монлар дарвозаси олдида қаторасига бир неча ҳавфли вазиятлар содир бўлди.

Аммо Норвегия футболчи-лари уллардан фойдалана ол-мадилар. Ҳал қилувчи лаҳ-заларда шовша-шошарликка йўл қўйиб, қулай имконият-ларни бой бердиши.

Венгрия футболчилари эътиборини ҳимояга қаратиб, майдон эгаларининг барча уринишларини йўққа чиқар-ди. Айниқса уларнинг дарвозабони Золт Петрис ях-ши ўйнади. У бир неча ҳавфли вазиятларни муваф-фақиятли бартраф этиб, маҳорат кўрсатди.

Меҳмонлар ҳисобини очти-лари мумкин эди. Улар ҳу-жумчиси Йозеф Киприхини меэбонлар ўз жарима май-дончасида қалиб йиқитдилар. Аммо уршув ҳақами буни кўрмади.

Европа чемпионатининг унчинг саралаш гуруҳига СССР, Италия, Венгрия, Норвегия, Кипр терма ко-мандалари кирганлиги иш-қибозларга маълум. Унда ҳозирча 2 очко тўплаган со-вет футболчилари пешқадам-лик қилаётганлар. Венгрия ва Норвегия терма коман-далари биттадан очко бор. Италия ва Кипр футболчи-лари эса ҳали курашни бош-лаганлари йўқ.

ШАХМАТ ЧЕМПИОН ХИСОБИ ОЧДИ

Машҳур совет шахматчи-лари Каспаров ва Карпов ўртасида Нью-Йоркда ўткази-лаётган жаҳон биринчи-лиги учун матчинг дастлаб-ки партияс кескин кураш-ларга бой бўлмаган. 30-юрдан сўнг дуранг бўлган эди.

Қоршанга кўчи ҳарифлар иккинчи партияс ўйнади-лар. Жаҳон чемпиони оқ доналарни сурди. Бу сафар кураш ниҳоятда кескин бў-лди. Тож соҳиб баҳсин ҳу-жумкорлик шiori остида ў-казди. Теда унинг устунли-ги сезилиб, барча қураш-ни ишта солди. Оғир ахво-лга тушиб қолган собиқ жа-ҳон чемпиони қаттиқ қарши-лоқ кўрсатди. Аммо вақт ўт-та сари вазият мураккаб-лашди, оқларнинг устунли-ги қучай борди. Ниҳоят 44-юрдан сўнг Карпов соати-ни тўхтатиб, енгилганини тан олишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, жаҳон чемпиони ҳисобини биринчи бўлиб очди. У 1,5:0,5 ҳис-о-бида олдинга чиқиб олди.

Иккинчи бўлимда дина-мочилар мағлубиятдан қу-

Ойна жаҳонда

14 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

● УэТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор).

9.00 «Кавказ асариси». Бадний фильм («Мосфильм»).

10.25 Тазивандо бўйича халқаро турнир.

11.10 Тўра Мирзо. «Муҳаббатга ўк теккан кун». А. Маждий номдаги Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театрининг спектакли.

12.25 «Қўшиқчи, жон қўшиқчи».

13.10 «Алифба сабоқлари» (такрор).

18.00 Кўрсатулар тартиби.

18.05 «Ахборот».

18.10 «Лайлақлар парвози». Ба-дний телелавқа.

18.30 «Айтсам—тилим, айтмасам—

дилим...». Давлат тили муаммо-лари.

19.00 «Паркент боғларида».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 «Саховат», «Наврўз» жамгар-маси.

20.30 «Ахборот».

20.35 «Ҳофиз сулоласи». Бадний-мусликий лавақа.

21.15 «Ахборот».

21.20 «Муҳлислар сим қоққан-да...».

21.30 Москва. «Время».

22.00 «Хайт қувончлари...». Пахта-корлар билан уршувлар.

23.00 «Айбон».

23.05 «Айбон» ўзинг. Лавҳалардан қўшиқларга.

24.00 Эртанги кўрсатулар тарти-би.

● УэТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савед», Муслик ахборот.

10.05 «Ҳар бир кишига ва барча-га». Реплама.

10.15 «Китобнинг виқторинаси».

10.55 «Жонашон ўлка таронала-лари». Фильм-концерт.

11.40 «Сен ҳақ қачон киролмай-диган ўрмон». Телевизион ба-дний фильм (рус тилида).

18.00 Кўрсатулар тартиби.

18.05 «Сен ҳақ қачон киролмай-диган ўрмон». Телевизион ба-дний фильм (рус тилида).

19.10 Бизнинг хақинамиздан. «Бун жуи мулен...».

20.30 «Ҳафта». Информацион кўр-сату.

21.00 «Ғулчи». Концерт.

21.30 Москва. «Время».

22.00 «Бо Тожикистон эндиёми».

23.30 «Телетомошбин ҳамроҳи».

● МТ I

8.30 Ритмик гимнастика.

9.00 «Спортлото» тиражи.

9.15 «Эрта саҳарлаб». Болалар кўрсату.

10.15 «Ватан хизматида».

11.15 Тонгги дам олиш програм-маси «Реклама-90» ҳузурда махсонда.

11.45 «Дунё бўйлаб», Альманаҳ.

12.45 «Здоровье».

13.30 Эрталаб ва саргузаштлар оламида. «Домовенонкинг сар-гузаштлари». Мультфильм.

14.40 «Ер — она масканимиз». Фотокурсор.

14.45 «Педагогика ҳамма учун».

15.45 «АРС» «Олимпияга тақ-лиф этади».

16.30 «Қишлоқ янгиликлари». Па-норама.

17.45 «Марафон-15».

19.15 «Қақдир белгилари». Ҳуж-жатли фильм.

● МТ II

8.30 Зарядка сафларинг!

8.50 Мультфильмлар: «Етти ака-ука», «Филла».

9.15 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолгулари академик оркестрининг концерти. Дир-

19.30 «Калле ва Бука». Мульт-фильм.

19.55 МТ экраниде биринчи мар-та «Оддий кўз билан». Бади-ий фильм (АҚШ).

21.30 «Время».

22.00 Оддий ва мангулик ҳақида.

22.15 «П. И. Чайковский, 100 та романс».

22.30 «Маллет-шоу». Кўп сериалии телевизион кўнгирикч фильм-концерт премьераси. 3 ва 4-сериалар (Буюк Британия).

23.20 «Жанна Д'Арк учун қават». Гамбург—Москва хотин-қизлар халқаро фестивали ҳақида.

жбр — Н. Некрасов.

9.45 «Биз яшаётган олам». Ре-жиссёр Ю. Белякин фильла-ри. «Рерих» («Экран»).

10.55 Н. В. Гоголининг экранлаш-тирилган асарини, «Миргород ва унинг аҳолиси», 1 ва 2-се-риалар (А. Довженко номли ки-ностудия).

13.15 «Планета». Халқаро про-грамма.

● 14.15

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНСИНING ВИДЕОКАНАЛИ

16.45 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Гарога олинганлар». Телевизион ҳуж-жатли фильм премьераси («Со-юзтелефильм» иждодий ишлаб чиқариш бирлашмаси).

17.35 Талабарлигизга биоан

такрорланади. «Ёзувчи Валентин Пикуль».

18.30 «Рубичи-90 (узилган чем-пионат)». Ҳужжатли фильм премьераси. Битлон бўйича жаҳон чемпионати ҳақида («Бе-ларусфильм»).

18.45 Союзлар уйининг Колонна залда композитор Е. Птичкин-нинг иждодий кеңаси.

20.30 Тунингиз хайри бўлсин, кичкинтойлар! «Буфетда тош-кин». 2-қисм.

20.45 «Хорде менинг овозим ҳам эшитилмади». Рус хор қўшиқ-лари иждодхонаси.

21.30 «Время» (сурдо таржимас билан).

22.00 РСФСР Олий Совети сессия-сининг кундалиги.

23.00 «Иллюзия». «Иван Мозжу-кин ва бошқалар...» (рус хори-жий кинематографияси).

24.00 Х. Илгисас куйлайди (Ис-пания).